

Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш - энг асосий мақсадимиз!



Навбатдаги фуқаролар қабули бўлиб ўтди.

Бугун Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаровнинг ҳафталик иш режасига мувофиқ, навбатдаги фуқаролар қабули бўлиб ўтди. Унда фуқаронинг моддий ёрдам олиш, ишга жойлашиш, ичимлик суви, электр энергия ва газ таъминоти ҳамда уй-жойга эгалик қилиш ва бошқа масалаларидаги 13 та мурожаати тингланди.

Фуқаролар қабулидаги ҳар бир мурожаатлар тегишли ташкилот вакиллари иштирокида кўриб чиқилди ва аксарият масалалар шу ернинг ўзида ижобий ҳал этиб берилди. Ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиладиган мурожаатлар тегишлилиги бўйича масъулларга йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди.